

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

““SQB Insurance” sug’urta kompaniyasi” AJ  
ягона иштирокчиси  
“O’zbekiston sanoat-qurilish banki” ATB

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги



Бошқарув раиси

С.С. Аннакличев

2022 йил «17» январь 01-сон



Вазир ўринбосари

О.Р. Исаков

2022 йил «28» январь 70934-сон

М.Ў.

““SQB INSURANCE” SUG’URTA KOMPANIYASI” AKSIYADORLIK  
JAMIYATINING AKTSIYALAR CHIQARILISHI TUG’RISIDA GI QARORI

Идентификация рақами берилди:	Р	Ч	1	0	1	Р	0	9	3	4	W	8
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 38 600 000 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши биринчи чиқарилишдир.

Жамият Ягона иштирокчисининг 2022 йил «17» январь даги 01-сонли қарорига асосан акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган ва тасдиқланган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 5-уй, тел.: +998 71 202 55 05, электрон почта манзили: [www.psbinsurance.uz](http://www.psbinsurance.uz)

Эмитентнинг раҳбари:

Халилов А.А.

Бош бухгалтер:

Есенкулова К.К.



2022 йил «17» январь

**1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):** оддий.

**2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:** хужжатсиз.

**3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм):** 1 000 (бир минг) сўм.

**4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона):** 38 600 000 (ўттиз саккиз миллион олти юз минг) дона.

**5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):** 38 600 000 000 (ўттиз саккиз миллиард олти юз миллион) сўм.

**6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:** Жамиятнинг акцияларига эгалик қилиш акциядорларга Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 26-27 ва бошқа моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларни беради.

Жамият акциядори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш бундан қонунчиликка асосан жамият сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

Акциядор қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан “PSB Insurance” mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug’urta kompaniyasining ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номи ““SQB Insurance” sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyatiga ўзгартирилаётганлиги муносабати билан “PSB Insurance” mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug’urta kompaniyasining ягона иштирокчисига жойлаштирилади.

**8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):** ): 38 600 000 000 (ўттиз саккиз миллиард олти юз миллион) сўм.

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):** Акцияларнинг ушбу чиқарилиши биринчи чиқарилишдир.

**10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):** Жамият томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.

**11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.**

**11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):** “PSB Insurance” mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug’urta kompaniyasining ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номи ““SQB Insurance” sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik

jamiyatiga ўzgartirilaётганлиги муносабати билан “PSB Insurance” mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug’urta kompaniyasining yagona ishтирокчисига, яъни мазкур 38 600 000 дона акциялар “O’zbekiston sanoat-qurilish banki” ATBга ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

**11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:** Мазкур чиқарилишдаги акциялар жойлаштириш бошланиш санасидан бошлаб 15 кун ичида жойлаштирилади.

*Жойлаштиришни бошланиш санаси:* мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун.

*Жойлаштиришни тугаиш санаси:* ушбу чиқарилишнинг охириги акция жойлаштирилган кунни ҳисобланиб, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 15 кундан ошмаслиги лозим.

**11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар “PSB Insurance” mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug’urta kompaniyasining ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номи ““SQB Insurance” sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyatiga ўzgartirilaётганлиги муносабати билан “PSB Insurance” mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug’urta kompaniyasining yagona ishтирокчиси улушига айирбошлаш йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштириш ҳеч қандай фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилмаган ҳолда биржадан ташқари уюлмаган бозорда амалга оширилади. Бунда андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

**11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси Давлат корхонаси. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107. Тел.: 71 267-37-42.

**11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан “PSB Insurance” mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug’urta kompaniyasining ташкилий-ҳуқуқий шакли ““SQB Insurance” sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyatiga ўzgartirilaётганлиги муносабати билан “PSB Insurance” mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug’urta kompaniyasining yagona ishтирокчисига жойлаштирилиши сабабли имтиёзли ҳуқуқни қўллаш кўзда тутилмаган.

**11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:** Акциялар номинал қийматида жойлаштирилади.

**11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар “PSB Insurance” mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug’urta kompaniyasining ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номи ““SQB Insurance” sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyatiga ўzgartirilaётганлиги муносабати билан “PSB Insurance” mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug’urta kompaniyasining барча мол-мулки (активлари) ““SQB Insurance” sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyatiga топшириш-қабул қилиш далелатномаси асосида бериш орқали амалга оширилади.

**11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:** Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда тўлов сифатида қабул

қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида 10 кун ичида қайтарилади.

**12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошқор қилиш тартиби:** Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ([openinfo.uz](http://openinfo.uz)) ва жамият расмий веб-сайтида ([www.psbinsurance.uz](http://www.psbinsurance.uz)) эълон қилинади. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор асли билан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 5-уй манзилда танишиш мумкин.

**13. Бошқа маълумотлар:** Кўзда тутилмаган.

Рақамланган ва иш билан тикшилган

Жами 4 (150) қадар

Бош директор \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

